



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 239 (12.550)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Баркамол авлод



ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказида инглиз тили, рассомчилик, компьютер графикаси, фольклор, рақс, бичиш-тикиш, тўқиш каби йўналишларда ўттиздан зиёд тўғрак фаолият юритмоқда. Уларда тўрт юзга яқин ўғил-қиз 42 педагог-мураббий кўмагида билимини мустаҳкамлаб, ҳунар ўрганаётир.



Марказда «Болаликнинг сеҳрли дунёси» мавзусида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Унда умумтаълим мактаблари ўқувчилари қатнашиб, марказда яратилган шарт-шароит, тўғрақлар фаолияти билан танишди, тенгдошлари ясаган миллий ҳунармандчилик буюмлари, чизган расмларни томоша қилди. Тадбирда иштирок этган кўплаб ёшлар тўғрақларга ёзилди.

СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказида Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида

ҚИШ МАВСУМИНИ УЮШҚОҚЛИК ВА ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЎТКАЗИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Селектор тарзида ўтказилган сессия ишида шаҳар ҳокимиянинг ўринбосарлари, бош бошқарма, бошқармалар раҳбарлари, коммунал бошқарув компаниялари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, туман ҳокимлари ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов олиб борди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 5 июлдаги қарорига асосан шаҳардаги кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектлари, барқарор коммунал хизматлар билан таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари фаолиятини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Сессияда юқоридаги мақсадларни назарда тутган

ҳолда 2013 йилнинг 10 декаб-ридан 2014 йилнинг 10 марта-га қадар Тошкент шаҳрида кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларини барқарор коммунал хизматлар билан таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари фаолиятини ривожлантириш мақса-дида маҳалла, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарув компаниялари, коммунал хизмат кўрсатиш

корхоналари ва аҳоли ўрта-сида ўзаро ҳамкорлик бўйича «90 кунлик» тадбир ўтказишга қарор қилинди.

Қиш мавсумини уюшқоқлик ва талаб даражасида ўтказишга йўналтирилган бу тадбир давомида амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, шаҳар ва туманлар микёсида фаолият кўрсатувчи штаблар ташкил этилиши белгиланди.

(Давоми 2-бетда)

Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узок, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлганини алоҳида таъкидлади.

КОНСТИТУЦИЯ ВА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

Дарҳақиқат, Бош қомусимизда белгиланган асо-сий гоя ва тамойилларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида «Ўзбек модели» деб ном қозонган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Пойтахтимизда «Конституция ва сайлов қонунчи-лиги» мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Респу-бликаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий уни-верситети ва Абу Райҳон Беруний номидаги Тош-кент давлат техника университети ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, олимлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида демократик ҳукукий давлат асосларининг тобора мустаҳкамланаётгани мамлакатимизнинг ҳар томон-лама тараққий этиши, фуқаролар ҳуқуқлари кафо-латларининг кучайиши ва амалда таъминланишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий, давлат ва ҳукукий тизимлар изчил, босқичма-бос-қич модернизация қилиниши натижасида энг юқори демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими барпо этилди. Шу асосда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқла-ри тўла амалга ошмоқда. Бунда демократик дав-латларда умумэтироф этилган қоидалар асосида шакллантирилган ҳамда амалда бўлган сайлов ўтка-зишнинг демократик принциплари Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Марказий сайлов комиссияси бошчилигида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг таъминловчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил топди. Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёниларида эркин, фаол иштирок этиши учун замонавий талабларга жавоб берадиган таш-килий-ҳукукий, моддий-техник шароит, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишининг мустаҳкам кафолатлари яратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-лантириш концепцияси давлат ва жамият қурили-ши соҳаси, ҳукукий тизим, шу жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Шу асосда сайлов қонун-чилигига киритилган ўзгаришлар сайлов жараё-нларини янада либераллаштириш, унинг очиклигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил бадирилаши учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш имконини бераётир.

Тадбирда демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда Марказий сайлов комиссиясининг роли, миллий сайлов қонунчилиги ва унинг ривож-ланиш босқичлари, сайлов қонунчилигига киритил-ган ўзгаришлар ва сиёсий партияларнинг долзарб вазифалари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўптармоқли тиббиёт мар-кази капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Марказда 2013 йил инвестиция дастурига кўра, 1 миллиард 660 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 185 ўринга мўлжалланган 3 қаватли иккита даволаш корпуси ка-питал реконструкция қилинди. Масла-ҳат поликлиникаси ва 30 ўринга мўлжалланган неврология бўлими иморатлари янгидан қурилди. Бунёд-корлик ишлари 1-«Қорақалпоққури-лиш бошқармаси» масъулияти чеклан-ган жамияти қурувчилари томонидан олиб борилди.

● Самарқанд шаҳрида республика ва вилоят немис миллий маданият марказлари ҳамкорлигида «Халқлар дўстлиги» фестивали ўтказилди. Ўзбе-кистон Республикаси Байналмилал маданият маркази, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Бухоро, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги немис миллий маданият марказлари вакиллари қатнашди.

● Тошкент вилояти адлия бошқарма-сида ёшларни суд органлари тизими фаолияти билан яқиндан таништириш-га бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

● Наманганда бўш иш ўринлари яр-маркаси ўтказилди. Наманган шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкор-ликда ташкил этган ярмаркада 125 корхона, ташкилот ва муассаса томо-нидан бир минг тўрт юздан зиёд бўш иш ўрни таклиф этилди. Бандликка кўмаклашиш марказига иш сўраб му-рожаат қилган фуқаролардан 248 на-фарига ишга жойлашиш учун йўллан-ма берилди. 112 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси ўз мутахассис-лиги бўйича иш билан таъминланди.

● Жорий йилда Ангрен шаҳрида Са-ноат кооперацияси асосида тайёр маҳ-сулотлар, бутловчи буюмлар ва мате-риаллар ишлаб чиқаришни маҳаллий-лаштириш дастурига мувофиқ, иккита лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Бу худуд-да 1 миллиард 800 миллион сўмлик-дан зиёд импорт ўрнини босувчи маҳ-сулот тайёрлаш имконини берди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Швециянинг Стокгольм ва Норвегиянинг Осло шаҳарларида 2013 йилги Нобель мукофотлари топ-ширилди. Битта ташкилотни ҳам ҳисобга олганда жами 13 киши ушбу нуфузли мукофотнинг соҳиблари бўлишди. Физика бўйича 84 ёшли Пи-тер Хигс Нобель мукофотининг энг кекса соҳиби бўлган бўлса, тиббиёт соҳасида ушбу нуфузли мукофотни қўлга киритган Томас Дзюдов 57 ёшда.

● АҚШнинг жанубий ва шимоли-шарқий ҳудудларига хуруж қилган қор бўронлари туфайли 2 мингдан ортиқ авиарейслар бекор қилинди. Ушбу ноқулай об-ҳаво шароитлари натижа-сида камида 5 киши ҳаётдан кўз юмган.

● Аргентинада кейинги кунларда полициячиларнинг иш ташлашлари на-тижасида рўй берган дўконларнинг оммавий таланиши 9 кишининг ҳаёт-дан кўз юмишига олиб келди. Ўндан ортиқ одамлар эса турли даражадаги тан жароҳатларини олган.

ҚИСҚА САТРАПДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Мил-лий матбуот марказида «Фуқа-роларнинг коммунал соҳадаги истеъмол маданиятини ривож-

лантириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъ-минлаш» мавзусида матбуот ан-жумани ўтказилади.

✓ **БУГУН** пойтахтимизда «Давлат мулкни ижарага бе-

риш тартибини янада энгил-лаштириш масалалари ва тад-биркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида белгилан-ган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосу-ратлар уйида ижодий фотогра-фия мактаб-студияси битирув-чиларининг кўргазмаси ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган маҳаллани обод қилиш, ўзини ўзи бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти-миздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга қаратилган ислохотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Давлат дастурида бу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли мазкур тузилма фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича ваколат ва вазифалари янада кенгайтирилди. Бугунги кунда маҳал-

якунига етатган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида ана шундай муносиб номзодларни сайлашга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Тумандаги 58 маҳаллада сайловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларига тумандаги кўмаклашувчи комиссия аъзоси яқиндан ёрдам бермоқда. Сайлов ҳар бир маҳаллада очик-ошкора, муқобиллик асосида ўтмоқда, бу жараёнда

ҳимояга муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш борасида ўзига хос тизим яратилган.

Ў.Муҳаммаджоновнинг навбатдаги сайловга тақдим этган дастурида ҳам бу борадаги хайрли ишларни изчил давом эттириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, «Оила – маҳалла – мактаб» ҳамкорлик механизми асосидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратгани маҳалла аҳлига манзур бўлди.

– Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда кириб келатган янги 2014 йилнинг Соғлом бола йили деб эълон қилиниши замирида ҳам улкан ҳикмат, меҳр-эътибор мужассам, – дейди Ў.Муҳаммаджонов. – Президентимиз шу муносабат билан қабул қилинадиган давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз жўртак экан, соғлом бола тарбиясида маҳалланинг ўрни катта эканига алоҳида эътибор қаратди. Дар-

ҳақиқат, эл-юртга садоқатли, иймон-эътиқодли, ватанпарвар фарзандларнинг улғайишида маҳалланинг таъсири беқиёс. Халқимизнинг «Бир болага етти қўшни отаона» деган мақолида ана шундай эзгу

тушунчалар мужассам. Айни пайтда маҳалла ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, тадбиркорликка оид илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш сингари ҳаётий омиллар билан узвий боғлиқдир.

Бугунги кунда уч минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган «Минор» маҳалласида ҳам бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларни ижтимоий муҳофазалаш, уларни эзгу қадриятларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашда яхши натижаларга эришилмоқда. Соғлом бола йилида маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож, серфарзанд оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, ҳар бир оиладаги муҳит, одамларнинг оро-умидларидан, эзгу интилишларидан бохабар бўлиш маҳалла фаолларининг доимий эътиборида бўлади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

Тошкент Давлат техника университетида «Иқтисодиётнинг реал тармоқлари учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашнинг ҳолати ва истиқболлари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Анжуманлар

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи Ботир Тоҳировнинг «Демографик аҳоли турмуш даражаси ва ижтимоий ривожлантириш» мавзусидаги маърузаси тингланди. ТошДУ ректори Р.Сайдахмедов «Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг рақобатбардош кадрлар тайёрлашдаги ўрни» мавзусидаги маърузасида реал тармоқларга муҳандис кадрларни етказиб беришда университет жамоасининг ўрни, кадрлар тайёрлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш масалаларига тўхталиб ўтди.

Талабаларни амалиёт тармоқларига йўналтириш, фан – таълим – ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви ҳақида проректор Нурулла Зикриллаев батафсил фикр юритди.

Шунингдек, семинар қатнашчилари таълим жараёнини тўлиқ қамраб олувчи ўқув лабораториялари ва компьютер технологиялари билан жихозланишнинг долзарб аҳамияти ҳамда рақобатбардош муҳандис-кадрларни тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси эканлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Даврон НУРМАТОВ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида

ҚИШ МАВСУМИНИ УЮШҚОҚЛИК ВА ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЎТКАЗИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, барча коммунал соҳа ташкилотларининг шаҳар ва туман бошқармаларидаги авария хизматлари ишини талаб даражасида йўлга қўйиш, жумладан, зарур техникалар сонини қўпайтириш, керакли ускуна ва бутловчи материаллар билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда шаҳарда ҳаракатланувчи техникалар сони ва уларнинг техник ҳолати ҳар ўн кунда Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан кўриқдан ўтказилиши кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, қиш мавсуми даврида ҳудудлар тозаланиши сақлаш ва ободонлаштириш ҳамда 2014 йилда коммунал соҳа бўйича қилинадиган ишлар кўлами 17 та йўналиш бўйича белгилаб олинди.

Бунда асосий эътибор, кўзда тутилган кўп қаватли уйларнинг том қисмларини таъмирлаш, йўлак дараза ромларига ойналар ўрнатиш, кириш йўлакларига кодли қулфлар, эшиклар ўрнатиш ва уларни таъмирлаш, таъмирталаб лифтларни жорий таъмирдан чиқариш, ишламаётган лифтларни янгилашга қаратилди.

Шу билан бир қаторда ҳар бир кўп қаватли уйга алоҳида электр ҳисоблагич анжомларини ўрнатиш, тўққиз ва ундан юқори бўлган кўп қаватли уйларнинг электр таъминоти янгилаш, уйларнинг ертўла қисмлари санитар ҳолатини тартибга келтириб, мавжуд муҳандислик тармоқлари ва ускуналарини бўяш, ёритиш тизимларига эътибор қаратиш, мавзе ва ҳудудларда янги автомобиль сақлаш жойларини ташкил этиш белгиланди.

Юқорида белгиланган тадбир доирасида кўп қаватли уйлар атрофида болалар майдончаларини ташкил этиш, модул қутилари ўрнатилган чиқинди ташлаш жойлари ўрнига кўрикландиган чиқинди йиғиш майдончаларини қуриш, уйларнинг кириш сисмига ўриндиқлар ўрнатиш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг шакллантирилган дастури доирасида муҳандислик тармоқларида жорий таъмирлаш ишларини бажариш зарурлиги таъкидланди.

Сессияда шунингдек, шаҳардаги мавжуд барча деҳқон бозорларини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, бозорларнинг санитар ҳолатини яхшилаш, «Элга хизмат» корхоналарининг фаолияти кўламини кенгайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, 20 декабрдан 5 январь кунига қадар пойтахт аҳолиси учун Янги йил байрами савдо ярмаркаларининг ташкил этилиши белгилаб олинди.

Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокоров иштирок этди.

Тадбирлар

БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Шаҳримиздаги туризм касб-ҳунар коллежида Юнусобод туманидаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокида «Биз буюк юрт фарзандларимиз» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда «Фарзандларимиз» ЁИХ шаҳар ва туман фаоллари ҳам қатнашди.

Семинар давомида дастлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти ҳақида давра суҳбати ташкил этилди. Сўнг Юнусобод тумани бош имом хатиби сўзга чиқиб, ёшлар маънавиятини оширишда миллий қадриятлар ва урф-одатларнинг ўрни ҳақида фикр юритди.

Малакали руҳшунос томонидан «Оммавий маданият»нинг ёшлар тарбиясига салбий таъсирига бағишлаб ўтказилган интерфаол психологик тренинг, ёшлар ҳақидаги фильм намоиши йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди ва шу фильм ижодкорлари билан давра суҳбати ўйотирилди.

Семинар якунида тадбирда фаол қатнашган иштирокчиларга ташаккурномалар берилди.

(Ўз муҳбиримиз)

ФАОЛИЯТ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмасида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси томонидан ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари юрисконсултларининг фаолиятини такомиллаштириш мавзусига бағишланган семинар ташкил этилди.

Унда Адлия вазирлиги, Тошкент вилояти Ҳўжалик суди, Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлайдиган юридик хизматлари раҳбарлари ва ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқарма ва бўлимлари юрисконсултлари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққан Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлиғи, полковник Т.Нажимов ва бошқалар Юртбошимиз ташаббуси билан 2005 йилдан ўз фаолиятини бошлаган икки палатали парламент миллий қонун ижодкорлигида янги даврни бошлаб берганлиги, натижада қабул қилинаётган қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифат ва самарадорлиги ошганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Тадбирда қўриқлаш хизмати органлари идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган

ҳисобини юритиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар билан тузилаётган шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш каби бир қатор йўналишларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумотлар берилди. Шунингдек, бу борада ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмасида юридик бўлинмаси ҳамда бошқа идоралар билан ҳамкорлик қилиш борасида ҳам тўхталиб ўтилиб, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда йўл қўйилаётган баъзи камчиликлар таҳлил қилинди.

Семинарда қўриқлаш хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳамкорликда ўрганиш, умумлаштириш ва зарурий тақлифларни ишлаб чиқиш, бунга масъул ҳодимларнинг кўникма ва малакаларини ошириш масаласи юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Яқунда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бирга муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашишди.

Абдуалим САЛИМОВ

Кейинги пайтларда иқтисодиётнинг саноат сектори, шу жумладан мебель ишлаб чиқариш соҳаси салоҳияти йилдан йилга ошиб бормоқда. Замонавий технологиялардан фойдаланиш натижасида жаҳон стандартларига мос маҳсулотлар кўпаймоқда.

Саноат

СИФАТЛИ ВА МУСТАҲКАМ МАҲСУЛОТЛАР

Пойтахтимизда ҳам чет эл мебеллари билан бемалол рақобат қила оладиган, харидорларга маъқул бўладиган сифатли мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. «Marhamat-hoji» масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналар сирасига қиради.

Чилонзор туманида 2010 йилда ўз фаолиятини бошлаган корхонада бугунги кунда болалар ва катталар учун шкафлар, ёзув столлари, сандиқлар қутчалар, китоб жа-вонлари ва офис учун мўлжалланган жами ўн хилга яқин мебеллар ишлаб чиқарилмоқда. Тайёрланаётган ушбу жиҳозлар сифати, ташқи кўриниши ва мустаҳкамлиги борасида импорт маҳсулотларидан қолишмайди.



Шуни айтиш керакки, корхона мижозларга ўз истакларини рўёбга чиқариш ва уйни ўзига хос тарзда жиҳозлаб олишга имконият яратди. Мебель модуллари осонгина жамланади. Мебелларнинг кенг ассортименти ин-терьерни истаган услубда безатиш имконини беради. Корхона маҳсулот ишлаб чиқаришда энг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланмоқда. Ҳозирги вақтда бу ерда Германия, Туркия ва Хитойдан келтирилган ускуналар ёрдамида харидорнинг маҳсулотлар тайёрланмоқда. — Бу каби ускуналар ёрдамида бозор ва харидорлар талаби даражасидаги маҳсулот

Ислам Исмоилов олган сурат

Тошкент Ирригация ва мелiorация институти қошидаги академик лицейда ўтказилган тадбир Конституция кунига бағишланди.

БАҲС-МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ ТАДБИР

Тадбирда туман хотин-қизлар кўмитаси, ФХДБ бўлими, Маънавият тарғибот маркази, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши, «Оила» маркази ходимлари ҳамда тумандаги касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбирнинг очилишида касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг ўқувчилари ўзларининг тақдиротлари орқали интерфаол усулда «Конституциямизнинг ҳаётиимизда тутган ўрни» «Одам савдоси», «Оммавий маданият», «ОИТСнинг олдини олиш» ва бошқа шу каби мавзуларда ўзаро савол-жавоб тарзида фикр алмашдилар.

Тошкент Адлия бошқармасининг етакчи мутахассиси Абдор Бердиев «Конституция — оила манфаатларининг бош ҳимоячиси», туман ФХДБ бўлими мудири Махфуза Мирбаба-

ева «Оила кодекси, эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари», туман бош имом хатиби Раҳимберди Раҳмонов «Оилада миллий қадриятлар, фарзандларнинг ота-она олдидagi ва ота-онанинг фарзандлар олдидagi бурчи ва вазифалари» мавзусида маърузалар қилишди.

— Бизнинг бўлимимиз қошида никоҳланувчи шахслар учун «Оила — жамият таянчи» деб номланган ёш оила қурувчилар мактаби ташкил этилган, — дейди Юнусобод тумани ФХДБ бўлими мудири Махфуза Мирбабаева биз билан суҳбатда. — Никоҳланувчи шахслар ҳамда туманда жойлашган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари учун турли соҳа вакилларини жалб этган ҳолда семинар-машгулотлар олиб борилади. Бунда ҳуқуқшунослар, тиббиёт ходимлари, туман хотин-қизлар кўмитаси,



Ички ишлар идораси ходимларини жалб қилган ҳолда қизиқарли мавзуларда маърузалар олиб борилади, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги оширилади. Бугунги тадбир ҳам Конституциямизнинг 21 йиллигига бағишланди. Таъкидлаш жоизки, Асосий Қонунимизнинг тўртта моддаси оилага бағишланган. Оиланинг жамият таянчи эканлиги ҳамда жамиятда оила тинч бўлсагина давлатнинг ривожланиши, юксалиши кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун ёшлар орасида кўп-

долзарб мавзуларда ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Умид қиламизки, улар орқали ёшларимиз ўзларига керакли маълумотларга эга бўладилар.

Қизиқарли баҳс-мунозараларга бой тадбирда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб олдилар, шунингдек, мавзу юзасидан саҳна кўринишларини намойиш этишди.

(Ўз мухбиримиз)
Ислом Исмоилов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва ҳукумати томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига, жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар ва болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳолини яхшилаш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини ўтказиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича муайян тадбирлар ўтказилляпти. Шундай бўлсада, автомобиль йўлларимизда инсонларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмиши билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари, айниқса, оғир оқибатли шундай ҳодисалар ҳақон содир бўлиб турибди. Улар сонини камайтириш учун Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХ Бош бошқармаси томонидан ҳар йили мунтазам равишда «Диккат, болалар», «Таътил», «Диккат, пиёда», «Яшил чироқ», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» каби тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу эса содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари сонининг сезиларли даражада пасайишига ўзининг ижобий ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан жорий йилнинг 15 декабридан 2014 йилнинг 15 январига қадар ўтказиладиган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ҳам ана шу тадбирларнинг давомидир.

Ички ишлар вазирлиги ДИХХХХ ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида жами 3 миллион 104 минг 680 та, жумладан, 1 миллион 279 минг 280 та кўпол қоидабузарлик, 41 минг 796 та автоуловни маст ҳолда, 5491 та монитор ўрнатилган транспортни бошқариш, 18 минг 580 та қорайтирилган ойнали транспортдан ва 37 минг 406 та ҳаракат вақтида телефондан фойдаланиш ва 734 минг 860 та хавфсизлик тасмасидан фойдаланмаслик ҳолатлари аниқланган.

Ҳа, бир қарашда оддий кўринган бу рақамлар ортда инсонлар ҳаёти ётганлигини, уларни бир умрга йўқотиб, қалбимизда армон, ўкинч бўлиб қолишини ўйласак нақадар аянчли ҳолатлар юзага келаётганлигини бир оз бўлсада англашдек бўламиз. Ғилдираклар остида бевақт хазон бўлаётган гулдек умрларни асраш ишига ҳаммамиз бирдек қиришмоғимиз, бу ҳақда кўпроқ бош қотирмоғимиз лозимлигини ўйлаймиз.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш, транспорт ва пиёдалар, жумладан болалар иштирокидаги ИТХларнинг олдини олиш борасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш ва ушбу масалаларга кенг жамоатчиликнинг, турли ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эътиборини қаратиш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

Маълумки, Президентимиз 2014 йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилдилар. Шундай экан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги тадбирларни биз йил давомида амалга ошириб борамиз. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун эса одамлар онгига йўл ҳаракати қоидаларини пухта сингдириш, ўргатиш зарур. Уларда қоидаларга қатъий риоя қилиш заруриятини шакллантириш даркор. Ҳар бир инсон йўл ҳаракати иштирокчисига айланар экан, у ҳайдовчи, йўловчи ёки пиёда бўлишидан қатъи назар ўзининг ва атрофдагиларнинг ҳавфсизлигини таъминлашга масъул эканлигини англаши зарур.

Бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада юксалтириш мақсадида вазирликлар, давлат кўмиталари, марказий муассасалар, компаниялар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, жойлардаги ҳокимлик, идора ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш лозим.

Шу билан биргаликда йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, бу билан жамиятга етаётган моддий ва маънавий зарарнинг олдини олиш, айниқса, келажақ авлоднинг соғлиги учун барчанинг ҳамжиҳатлигида ишлаши талаб қилинмоқда.

Фуқароларимизнинг «Йўл ҳаракати қоидаларини» чуқур билишлари, унга ҳурмат билан қарашлари, транспорт воситасини бошқариш маданиятига риоя қилишлари ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини

Мамлакатимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

ошириш, йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда қоидабузарликларнинг олдини олиш учун жорий йилнинг 15 декабридан 2014 йилнинг 15 январига қадар республикамиз ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказишга қарор қилинди.

Шу муносабат билан мазкур тадбирни ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши чиқарилди.

Мазкур фармойишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида комплекс чора-тадбирлар кўриш, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серкаторов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўриқдан ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тақлифлар тайёрлаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш, ўқув юртларида, ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитишни янада яхшилаш чораларини кўриш, ойликни ўтказишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш асосий вазифалар этиб белгилаб берилган.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ташкил этиш ва ўтказиш комиссияларини тузиш, ойликни самарали ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва унда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идораларнинг вазифаларини белгилаб қўйиш, «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича амалий машгулотлар ўтказиладиган «Болалар автошаҳарчалари»ни ҳомийлар ёрдамида барпо этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш, жамоат транспорти ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларда ойлик ўтказиладиган ҳақида реклама ёзувларини, плакатларни жойлаштириш, ҳар ўн кунда ойликнинг боришини муҳокама этиш ва унда мутасадди раҳбар ходимларнинг ҳисоботини эшитишни йўлга қўйиш ҳамда жамоатчиликнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокига баҳо бериш юзасидан аниқ топшириқлар берилган.

Шунингдек, барча вазирликлар, Давлат кўмиталари, идоралар, концернлар, корпорациялар ва жағғармалар раҳбарларига ҳайбатлар, кенгашлар, бошқарув йиғилишларида транспорт воситалари техник ҳолатининг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини ва қўл остидаги ходимларнинг йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз амал қилишлари юзасидан аҳолини ўрганиб чиқиш ва тегишли чоралар кўриб бориш, ойликни ташкил этиш, ўтказиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, унда фаол иштирок этганларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплаш вазифалари юклатилди.

Ички ишлар, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Миллий ахборот агентлиги, марказий ва маҳаллий газета-журналлар таҳририятлари томонидан ойликнинг боришини кенг ва атрофлича ёритиш, ойликни тарғиб қилувчи махсус видеоорлик тайёрлаб, унинг тадбир давомида кўрсатилишини таъминлаш, жойларда ойликнинг ўтказилишини ўрганиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатилишини тарғиб қилиш бўйича ҳамкорликда рейдлар ташкил этиш, мактаблар, мактабгача таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларининг ўргатилишини текшириб, уларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш, ойликни тарғиб қилувчи плакатлар, буклетлар, тақвимлар ва бошқа кўргазмалар кўроллар чоп этилиши ташкил қилиниб, маҳалларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этилишини таъминлаш ишлари амалга оширилади.

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш жуда кўп нарсаларга боғлиқ. Маълумки, ҳар бир транспорт воситаси, у ҳоҳ йўловчи ташувчи бўлсин, ҳоҳ юк ташувчи, биринчи навбатда техник жиҳатдан соз бўлмоғи лозим. Чунки, техниканинг созлиги ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Йўлда бирор-бир тасоддий кўнгилсизликка учрамаслик, айниқса, йўловчи ташувчи транспортлар хизматидан фойдаланаётган фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш биринчи навбатда айнан техниканинг созлигига боғлиқ.

Маълумки, ҳозирги кунда замонавий талаблар даражасидаги динамика ва тезлик ҳусусиятлари юқори бўлган транспорт воситаларининг сони ва йўлларда ҳаракат жадаллиги йил сайин ўсиб бормоқда.

Бу эса ўз навбатида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлигини, мол-мулкларини ҳимоя қилиш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошириш, содир этилаётган ҳодисаларнинг оқибатларига уларни юзага келиши шарт-шароитларига эътиборни кучайтириш лозимлигини таъкид қилади.

Йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолишни фақатгина йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси, деб қарамаслик лозим. Чунки, ҳар биримиз, аввало, ўз ҳаётиимиз ва қолаверса ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Уйдан кўчага чиқдигимиз, демак сиз йўл ҳаракати иштирокчисига айландингиз. Бинобарин, сиз белгиланган йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишингиз шарт ва зарур. Йўлда бир сонияга кеңиш ёки шовишлиш ҳам инсон ҳаётига нуқта қўйиши ҳеч гап эмас. Ҳамонки шундай экан, барча пиёдалар, ҳайдовчилар, йўловчилар ва айниқса, болалар йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишлари ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда фаол иштирок этишлари шарт.

Холматжон САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХББ бошлиғи, полковник

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Интеллектуал мулк ва «Ўзархив» агентликлари ҳамкорлигида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда «Ўзархив» агентлиги бош директори А.Абдуллаев, Интеллектуал мулк агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи З.Ғиёсов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг пухта ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилгани интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

1996 йилда қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни фан, адабиёт ва санъат асарларини, шунингдек, ижролар, фонограммалар, курсатув ёки эшиттиришлар яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган.

Интеллектуал мулк агентлиги томонидан соҳада муаллифлик ҳақини белгилаш ва асар муаллифларининг қонунда белгиланган тартибда ҳақ олишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Муаллифлар билан уларнинг ҳуқуқларини бошқариш юзасидан шартномалар тузилиб, улар манфатларининг ҳимоя қилиниши таъминланмоқда. Хусусан, ҳўжалик субъектлари ва жамоат жойларида мунтазам текширувлар ўтказилиб, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга доир қонун ҳужжатлари ижроси доимий мониторинг қилинмоқда. Жорий йилда ўтказилган ана шундай тадбирлар давомида 588 қонунбузилиш ҳолати аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди.

Мамлакатимизда кўп йиллар давомида яратилган ноёб асарлар давлат муҳофазасига олинган. Уларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари ҳамда Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивларида сақланаётган ҳужжатларнинг асосий қисми ана шундай муаллифлик ҳуқуқи объектларидир.

Миллий архив фондида ҳам бошқарув ҳужжатлари билан бир қаторда муаллифлик ҳуқуқи объекти саналган кўплаб ҳужжатлар сақланмоқда. Миллий архив фондидаги муаллифлик ҳуқуқи объектларидан кенг ва самарали фойдаланишни ташкил этиш давлат архивлари жамоаларидан мазкур ҳужжатларни жамлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни янгича ташкил этишни талаб этади.

Матбуот анжуманида асарлар ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланувчилар, шу жумладан, ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва бошқа турдош ҳуқуқлар эгалари томонидан муаллифлик шартномаси тузиш ҳамда бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан қатор тақлиф билдирилди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар батафсил жавоб қайтарди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Инглиз тилини ўрганишда замонавий технологиялардан фойдаланиш» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Учинчи бор ўтказиладиган ушбу тадбирга пойтахтимиздаги олий ўқув юртларидан кўпала талабалар ва тил ўрганувчи ёшлар ташриф буюришди.

Мазкур анжуманда иштирокчилар инглиз тилини ўрганиш бўйича чет эллик мутахассислар ва тажрибали мураббийларнинг маҳорат дарсларида қатнашиш имкониятига эга бўлдилар. Тадбир доирасида инглиз тилини ўрганишнинг аутентик усули, ОАВ ёрдамида оғзаки нутқни ривожлантириш, таълимга доир веб-сайтлардан фойдаланиш, янги сўзларни ўрганиш методикалари, электрон ўйинлар самараси каби мавзулар ўрганилди ва муҳокама қилинди.

Шунингдек, талабалар янги технологиялар билан уйғунлашган ҳолда тил ўрганишнинг самарали усуллари ҳақида ўз тақдиротларини намойиш этиш билан бирга тил ўрганиш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг янги ва самарали усуллари билан ҳам танишдилар.

Анжуманнинг энг ёрқин жиҳатларидан бири — унинг музокара ва баҳсларга бой ўтганилигиди бўлди. Тадбирнинг мунозара қисми учун «Янги технологиялар: вақтни сарф қилишни ёки самарали ўрганишни?» мавзуси танланди. Тошкент Халқаро вестминстер университетининг талабалари иштирокида намойиш этилган саҳна кўринишлари тадбирнинг янада ривожлантиришга ҳисса қўшди.

Анжуманнинг ёрқин якуни сифатида энг яхши иштирокчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар мамлакатимизда хорижий тилларнинг ўрганилишини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Моҳларойим ҚАЮМОВА,
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Спорт янгиликлари

ПОЙТАХТЛИК БАСКЕТБОЛЧИЛАР — ИККИНЧИ

Қарши шаҳрида ёшлар ўртасида баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ташкил этилди.

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлар жамоалари ўзаро беллашишди. Мурасасиз курашларга бой, қизиқарли кечган баҳсларда шохсупанинг энг юқори поғонасини Қашқадарё вилояти жамоаси эгаллаган бўлса, фахрли 2,3-ўринлар Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро вилояти жамоаларига насиб этди. Якунда ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларга совринлар топширилди.

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда сузиш бўйича ташкил этилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Мусобақада асосан умидли ёш спортчиларнинг иштироки эътиборга ташкил қилинган. Турнирнинг 50, 100, 200 метрларга брасс усулида сузиш баҳсларида хотин-қизлар ўртасида Раъно Омонова тенг келадиган рақиб топилмади. Эраклар орасида эса барча йўналишларда Вячеслав Мустафин ғолиб бўлди.

Шаҳримиздаги 38-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида стол тенниси бўйича ўсмирлар ўртасида «Соғлом авлод учун» жамғармаси Кубоги учун республика турнири ўтказилди.

ЖАМҒАРМА КУБОГИ УЧУН МУСОБАҚАЛАР

Республика Болалар спортини ривожлантириш, «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамда стол тенниси федерацияси ҳамкорлигида уюштирилган ушбу нуфузли турнирда Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 56 нафар ёш спортчилар иштирок этишди. Қизиқарли курашларга бой кечган баҳслар якунида Беҳзод Адхамжонов,

Мухриддин Ражабов ҳамда Сўғдиёна Меҳмоновлар бошқалардан маҳоратлироқ эканликларини исботлаб, шохсупанинг энг юқори поғонасини забт этишди. Мусобақа сўнггида 2000 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида ташкил этилган турнир ғолиблари ва совриндорларига совринлар, эсдалик совғалари тўхфа этилди.

Юртимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида кейинги йилларда оилавий спорт жамоалари ўртасида мусобақалар ўтказиш одатий ҳолга айланиб улгурди.

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

«Қушбеги» спорт-соғломлаштириш мажмуасида «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан «Соғлом оила — соғлом келajak» деб номланган спорт мусобақаларининг республика босқичи уюштирилди.

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда биринчи ўринни эгаллаган оилавий жамоалар ғолиблик учун ўзаро беллашишди.

Спортнинг югуриш, акробатика, арқон тортиш ва бошқа турлари бўйича ўтказилган турнир айниқса қизиқарли кечди.

Унда беллашувларга пухта тайёргарлик кўрган Тошкент вилояти вакили Юсуповлар оиласи шохсупанинг энг юқори поғонасини забт этган бўлса, пойтахтлик Сафинлар оиласи иккинчи, самарқандлик Тўраевлар оилавий жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Якунда ғолиб ва совриндор бўлган оилавий жамоаларга эсдалик совғалари, совринлар топширилди.



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

ТУРНИР САНАСИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Мухлисларга маълумки, келгуси йили футбол бўйича уюштирилаётган Осиё чемпионлар лигаси турнирида юртимизнинг учта жамоаси иштирок этади.

Ўзбекистон чемпиони ва Кубоги соҳиби «Бунёдкор» жамоаси Осиё чемпионлар лигаси турнирини гуруҳ баҳсларидан бошласа, миллий чемпионатимизнинг кумуш ҳамда бронза медаллари соҳиблари «Локомотив» ва «Насаф» саралаш баҳсларида омадларини синаб кўришади. Осиё футбол конфедерацияси матбуот хизмати хабарларига кўра Осиё чемпионлар лигаси турнирининг дастлабки баҳслари 2 февралда старт олади.

Биз мухлислар номидан мамлакатимиз жамоаларига ушбу турнирда омад ёр бўлишини тилаймиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ОЛОВДАН ТЎҒРИ
ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ҳозирги кунда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар объектларини, шунингдек, уй-жой фондиди ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш борасида кенг қўламда ишлар олиб борилмоқда. Маҳаллаларда, ўқув юртларида, мактабларда ва мактабгача таълим муассасалари ҳамда одамлар гавжум жойларда ёнғин офатларининг муҳим оқибатлари ҳақида суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилмоқдаки, токи фуқаролар доимо ёнғиннинг «ёв» эканлигини ҳис этиб, эҳтиёткор бўлсинлар, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишни унутмасинлар.

Шу билан бирга, ана шундай учрашувлар чоғида асосий эътиборни иситиш мосламаларидан, газ ускуналари, печлардан тўғри фойдаланиш лозимлигига ҳам қаратмоқдамиз. Негаки, бугун ҳаво совиб кетганидан уйни иситаман деб қўлбола ясалган электр иситиш печларидан фойдаланувчилар озмунчами. Бунинг устига айримлар уй-исиб турсин деб, газ плиталарини ёқиб қўйишади. Кечаси билан ёнғин турган газнинг хиди уйни тутиб кетмаслигига, ушбу газнинг кечаси ўчиб қолмаслигига ким қафолат бера олади? Озгина эътиборсизлик тўғрисида

қишнинг қировли кунларида бошпанасиз қолиш ҳам ҳеч гап эмас.

Ёнғин оқибатида инсонлар умри хазон бўлмаслиги ёки уларнинг бир умрга ногирон бўлиб қолмасликлари учун оловдан фақат ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланишимиз зарур. Шундагина оилаларимиз хотиржам, халқимиз беҳавотир бўлиб, ёнғин оқибатида қўнгилсиз воқеалар рўй бермайди.

Султон ГАНИЕВ,
12-ХҲО 3-ХҲХ а/п кичик инспектори,
кичик сержант

Бебаҳо неъмат бўлган тинчлигимизни, моддий бойликларимиз, атроф табиий муҳитни ёнғиндан сақлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу ўринда ота-боболаримизнинг ҳар гал дуога қўл очганларида бир иборани албатта ишлатишларига эътибор қаратмоқчимиз. «Ўт балосидан, сув балосидан асрасин», деган ҳикматнинг тағида жуда чуқур маъно бор.

ТАҲЛИЛЛАР НИМАНИ
КЎРСАТАДИ?

Таҳлилларга суяниб сўз юртидагидан бўлса, 2013 йилнинг ўтган 11 ойи давомида юртимизда 11807 та ёнғин содир бўлиб, унда 431 нафар фуқаро тан жароҳатини олиб, 113 нафари ҳаётдан кўз юмганлигини билган ҳар бир инсоннинг қўнғилда аниқши ҳисси уйғонгани, албатта. Бу ёнғинлар ўз-ўзидан содир бўлмаган — кимнингдир бефарқлиги, лоқайдлиги ҳисобига келиб чиққан. Бу рақамларни эслатишдан мақсад яна бир бор огоҳликка қақаришдир. Шу ўринда ёнғинлар асосан қайси жойларда ва нима са-

бабли содир бўлган қабиладаги саволнинг туғилиши табиий. Гап шундаки, ёнғинларни таҳлил қиладиган бўлсак, аҳоли яшаш жойларида энг кўп 8425 та ёнғин қайд этилганлигини кўрамиз. Ёнғинларнинг сабабларига назар ташлайдиган бўлсак юқори ўринда оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш натижасида 4687 та, электр ускуналари би-

лан боғлиқ 3412 та ҳамда иситиш печлари сабабли 1724 та ёнғинлар келиб чиққанлиги ойдинлашади.

Демак, мана шундай ҳолатларда жуда эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилишимиз керак.

Ақбарали РАҲИМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ ЁХББ ЁТЛ муҳандиси,
лейтенант

СУХРОБ ПОЛВОННИНГ
ОРЗУСИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан жорий қилинган уч босқичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари ёш авлодни она юртта садоқат руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омили бўлмоқда.

Бугун нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз байроғини баланд кўтараётган, мамлакатимиз шарафли, халқимиз гурури учун курашаётган моҳир спортчиларнинг аксарияти мазкур уч босқичли спорт тизими мусобақаларида кашф этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги галабаларида муҳим омили бўлмоқда.

Халқимизнинг миллий қадрияти — кураш ва Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган дзюдо бўйича юксак натижаларни қайд этиш билан бирга, навқирон авлодга спорт сирларини пухта ўргатиб келадиган Суҳроб Дўстов ҳам 2001 йили Жиззахда илк мартаба ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида танилган истеъдод эгаларидан.

— Отам мени Термиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Рўзи Қурбоновга шоғирдликка берганида энди тўққиз ёшга тўлган эдим, — дейди Суҳроб полвон. — Ушанда биринчи устозимнинг отамга: «Спорт билан шуғулланган боладан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, кураш одамни тарбиялайди», дегани ҳамон ёдимда.

Дарҳақиқат, спорт ёшларда ҳалоллик, мардлик, ватанпарварлик, сабр-тоқат, қатъият, катталарга ҳурмат каби фазилатларни шакллантиради. Турли ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимояланишга ўргатади.

...Суҳроб кураш, дзюдо ва самбо билан мунтазам шуғулланиб, Машғулотларда ўрганган усуллари мусобақаларда синовдан ўтказди. Устозлари унга ориятли, гурури бўлишни, ютганда хаволанмасликни, ютқазганда тушқунликка тушмасликни ўргатди.

С.Дўстов ўзбек кураши бўйича дастлабки ютуғини 2001 йили Жиззах шаҳрида ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида қўлга киритди. Ушанда 60 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан полвон шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ёш спортчининг бу ютуғи кейинчалик кураш, дзюдо ва самбо бўйича мамлакат чемпионатларида бир неча бор шохсупага кўтарилишининг бошланиши бўлди. Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган аънавий халқаро турнирда уч мартаба ғолиб чиқди, Буюк Британияда кураш бўйича «Ислам Каримов» халқаро турнирида олтин медаль билан тақдирланди. Қатор мусобақаларда шохсупага кўтарилди.

С.Дўстовнинг дзюдо ва самбода қўлга киритган натижалари ҳам салмоқли. С.Дўстов — дзюдо бўйича ҳарбийлар ўртасида жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори, Италиядаги нуфузли халқаро турнир ғолиби, самбо бўйича Осиё чемпиони.

Суҳроб полвоннинг моҳир спортчи бўлиб етишишида оиласидаги соғлом муҳит, ота-онанинг жисмоний тарбия ва спортни фарзандлари камолотининг асосий омилли, деб билгани ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Кураш майдонларида катта тажриба тўплаган Суҳроб Дўстов катта спортдаги фаолиятини тугатмаган бўлса-да, мураббийлик ишини бошлади. 2013 йилдан у Республика олимпия заҳиралари коллежининг дзюдо бўлимида спортчи-ўқувчиларга дзюдо сирларини пухта ўргатмоқда.

— Ҳар бир спортчи жаҳон чемпиони бўлишни, Олимпия ўйинларида юрт байроғи остида шохсупага кўтарилишни орзу қилади, — дейди С.Дўстов.

Ўзим етишмаган орзулар рўёбини шоғирдларим галабалари тимсолида кўришимга ишонаман. Чунки бугун мамлакатимизда чемпионларнинг янги авлоди камолга етмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга, иқтидорли ёш спортчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган улкан эътибор тўғрисида Ўзбекистон ўғил-қизлари ҳеч кимдан кам эмаслигини, ҳар қандай соҳада энг юқори чўққиларни забт этишга қодир эканини амалда исботламоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, спорт мамлакатимизда баркамол авлоднинг тарбиялашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши муқаррар. Чунки спорт — соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида таниқли ўзбек рассоми, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, К. Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг профессори Алишер Мирзаевнинг «Нақшинкор олам» деб номланган шахсий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Кўргазмалар

НАҚШИНКОР ОЛАМ
МАНЗАРАЛАРИ

Алишер Мирзаев 1948 йили Тошкентда туғилган. П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юртида, В.Суриков номидаги Москва Давлат рассомлик институтини тахсил олган. Ҳозиргача Германия, Россия, Франция, Болгария, Хиндистон, Сурия, Жанубий Корея, Ўзбекистон, АҚШ, Литва, Норвегия ва бошқа давлатларда унинг шахсий кўргазмалари бўлиб ўтган.

Таъкидлаш жоизки, рассомнинг навбатдаги 100 дан ортиқ, асосан настель техникасида яратилган асарлари кейинги бир неча йил давомида ранг-таъсир, графика йўналишида ижодий фаолияти маҳсулидир. Мўйқалам устаси деярли барча жанрларда ишлайди. «Алишер Мирзаев, — дейди Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси директори ўринбосари, санъатшунослик доктори Камола Ахилова, — ўз халқининг кундалик ҳаётини шоирона тараннум этувчи рассом. Кичик мавзуларни шоирона даражага кўтариш, рангтаъсир асарларидаги ички лўнда ассоциатив мазмуннинг декоратив воситалар орқали берилиши нафақат рассом иқидини, балки А. Мирзаев оламининг ўзига хос бадий таъйинларини ҳам аниқлаб беради. Ислам нақш санъати одамзоднинг буюк ижоди маҳсули бўлиб, у ўзида нафақат чуқур фалсафани, балки ҳайратланарли даражадаги мувофиқлиқни, аниқ геометрия ва ифодавийликни уйғунлаштирадиган, бу эса ўз ўрнида тирх ва

ислимий нақшлар орқали ўз аксини топади».

Экспозицияга қўйилган асарларда юртимиз табиати манзаралари, турли мавзудаги натюр-мортлар, ўзбек халқи кундалик ҳаёти ва маданияти, жаҳон маданиятининг айрим қирралари, турмуш тарзинининг турфа томонлари, ҳаёт фалсафаси, тарихий шахарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, замондошларимиз, тарихимиз, маданиятимиз арбоблари портретлари, асрлардан асрларга ўтиб келадиган қадриятларимиз акс этган. Кўргазма билан танишар эканмиз халқимизнинг манзарали амалий санъати Алишер Мирзаевнинг ижодий изланишлари учун нафақат илҳом манбаи бўлганлигини, балки шу асосда тасвирий санъатнинг ривожига қўшган ҳиссасини, рассом оламининг ўзига хос бадий томонларини, тинимсиз изланишлари натижаларини кўрамиз. Кўргазма билан танишган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Деҳқонбой Хусанов шундай дейди: «Асарларда мулоҳазаларга чорловчи ҳаёт фалсафаси акс этган. Ва бу асарлар ёшларнинг етук мунаххасис бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади».

Кўргазманинг очилишида ижодкорга Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига қўшган ҳиссаси учун Бадий академиянинг олтин медали топширилди.

Кўргазма намойиши шу йилнинг 28 декабригача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Тошкент Оқшоми

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1241

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8513 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамини»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 15.10